

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MANKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН**

« 3 » ИЮЛЬ 2019 у.

№ 553

Toshkent sh.

**Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама  
комиссиялар тўғрисида**

“Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли Конвенциясини (Женева, 1976 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари, иш берувчилар қасаба уюшмалари ва бирлашмалари ўртасида ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Қуйидагилар Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсат амалга оширилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш ва позицияларини келишиш;

позициялар, ҳуқуқлар ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш асосида амалий ҳамкорликни таъминлаш;

бош битим тузиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишга кўмаклашиш;

халқаро тажрибани ўрганиш, ижтимоий шериклик ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида тегишли хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш, халқаро меҳнат нормаларини ратификация қилиш ва қўллаш билан боғлиқ масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш;

Халқаро меҳнат конференцияси кун тартиби бандларига тааллуқли саволларга жавоблар ва ҳукуматларнинг Конференция томонидан муҳокама

этиладиган матнларга таклиф этилаётган фикр-мулоҳазалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш;

Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли конвенциясида (Женева, 1976 йил, 21 июнь) назарда тутилган тартиб-таомилларни амалга ошириш тўғрисида йиллик маърузалар эълон қилиш;

ратификация қилинмаган конвенциялар ва тавсиялар қўлланишига ва тегишли ҳолларда ратификация қилинишига кўмаклашиш учун амалга оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирларни аниқлаб олиш мақсадида уларни вақти-вақти билан кўриб чиқиш.

3. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари касаба уюшмалари ташкилотлари ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудий бирлашмалари билан биргаликда икки ой муддатда ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тузилишини ва уларнинг фаолияти ташкил этилишини таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А.Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д.Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “ 3 ” Июлдаги  
• 553 -сон қарорига  
1- илова

**Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича  
республика уч томонлама комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматидан**

- |                 |  |
|-----------------|--|
| Кудбиев Ш.Д.    | – бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири   |
| Ашрафханов Б.Б. | – молия вазирининг ўринбосари  |
| Мелиев Х.Х.     | – адлия вазирининг ўринбосари  |
| лавозим бўйича  | – соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари  |
| Зиядуллаев М.Ж. | – Давлат статистика кўмитаси раисининг ўринбосари  |
| Одинаев Қ.А.    | – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи            |
| Сулайманов С.С. | – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари |

**Республика касаба уюшмалари бирлашмаларидан**  
(*қелишувга кўра*)

- |                  |   |
|------------------|---|
| Рафиқов К.М.     | – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси   |
| Махмадалиев Б.Х. | – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари  |
| Бедилов Р.М.     | – Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси  |
| Халилова М.Х.    | – Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси   |
| Рахматов И.К.    | – Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши раиси   |
| Каримова Н.Б.    | – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппаратининг меҳнатни ҳимоя қилиш бўлими мудир  |
| Исаев М.Н.       | – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппаратининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир |

**Иш берувчилар республика бирлашмаларидан**  
(келишувга кўра)

- |                |   |
|----------------|---|
| лавозим бўйича | – Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси раиси                            |
| Икрамов А.И.   | – Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси                                    |
| Хаитов А.А.    | – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси |
| Махмудова Г.Ғ. | – Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси раиси                                |
| Абдуллаев У.Т. | – Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси раиси                         |
| Хамидов Б.С.   | – Ўзбекистон банклар ассоциацияси бош директори                             |
| Хурсанов А.Х.  | – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси                    |
| Омонов Ф.Ф.    | – Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси раисининг ўринбосари             |

*Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “3” июл даги  
553 -сон қарорига  
2-илова

## **Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тўғрисида низом**

### **1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссияларни (кейинги ўринларда Комиссиялар деб аталади) ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи ва меҳнат соҳасида доимий фаолият кўрсатувчи ижтимоий шериклик органи ҳисобланади.

2. Комиссия қуйидаги мақсадларда ташкил этилади:

ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари (кейинги ўринларда Томонлар деб аталади) ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш;

Бош ва ҳудудий битимлар тузиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишга кўмаклашиш;

Халқаро меҳнат ташкилотининг (кейинги ўринларда ХМТ деб аталади) 1981 йилги жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисидаги конвенциясига (154-сон) мувофиқ меҳнат ва бандлик шароитларини аниқлаш, иш берувчилар ва ходимлар, шунингдек, иш берувчи ва ходимлар ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича жамоа музокараларига кўмаклашиш.

3. Комиссия:

республика даражасида (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида (кейинги ўринларда Ҳудудий комиссия деб аталади) ташкил этилади.

4. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, бошқа қонун ҳужжатларига, ХМТ конвенциялари ва тавсияларига, ушбу Низомга амал қилади ҳамда ўз фаолиятини “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган ижтимоий шериклик принципларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

## **2-боб. Республика комиссиясининг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари**

5. Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳодимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш ва томонлар позицияларини келишиш;

позициялар, ҳуқуқлар ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш асосида томонларнинг амалий ҳамкорлигини таъминлаш;

Бош битим тузиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишга кўмаклашиш;

ҳалқаро тажрибани ўрганиш, ижтимоий шериклик ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида тегишли хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш, халқаро меҳнат нормаларини ратификация қилиш ва қўллаш билан боғлиқ масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш;

Халқаро меҳнат конференцияси кун тартиби бандларига доир саволномага жавоблар ва ҳукуматларнинг Конференция томонидан муҳокама этиладиган матнларга таклиф этиладиган фикр-мулоҳазалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш;

Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги 144-сонли конвенциясида (Женева, 1976 йил 21 июнь) назарда тутилган тартиб-таомилларни амалга ошириш ҳақидаги йиллик маърузаларни эълон қилиш;

ратификация қилинмаган ва ҳали қўлланимаётган конвенциялар ҳамда тавсияларни қўллашга ва тегишли ҳолларда ратификация қилишга кўмаклашиш учун кўриладиган чора-тадбирларни аниқлаб олиш мақсадида бундай конвенция ва тавсияларни вақти-вақти билан кўриб чиқиш.

6. Республика комиссияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*1) ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш ва Томонлар позицияларини келишиш соҳасида:*

меҳнат соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқларни амалга оширишга, шу жумладан бирлашишга ва коллектив музокаралар олиб боришга доир ҳуқуқларни амалга оширишга кўмаклашади, болалар меҳнатининг мажбурий ва энг ёмон шакллариغا барҳам бериш,

камситмаслик, тенг ҳуқуқлар, тенг имкониятлар ва тенг қийматли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципларига риоя қилади;

ХМТнинг халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги 144-сонли конвенциясига (Женева, 1976 йил 21 июнь) мувофиқ халқаро меҳнат стандартларини қўллашга кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказишда иштирок этади;

иш ҳақи масалалари юзасидан маслаҳатлашувлар, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича энг кам ойлик иш ҳақи ва тариф сеткаларини белгилаш юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш;

давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш;

*2) позициялар, ҳуқуқлар ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш асосида томонларнинг амалий ҳамкорлигини таъминлаш соҳасида:*

меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади, уларни такомилга етказиш юзасидан таклифлар киритиш, шунингдек меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқади;

жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича томонларнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

*3) Бош битим тузиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа-шартнома асосида тартибга солишга кўмаклашиш соҳасида:*

Бош битимни бажариш чоғида юзага келадиган масалаларни Томонлар ташаббусига кўра кўриб чиқади;

меҳнатни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқаришнинг самарали тизимини яратишда иштирок этади;

томонлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош битимни ва уни амалга оширишга оид тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этади, шунингдек унинг бажарилишини назорат қилиш;

*4) халқаро тажрибани ўрганиш, ижтимоий шериклик ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида тегишли хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш, халқаро меҳнат нормаларини ратификация қилиш ва қўллаш билан боғлиқ масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш соҳасида:*

ижтимоий шериклик ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида тегишли хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этади;

халқаро меҳнат нормаларини ратификация қилиш ва қўллаш билан боғлиқ масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказишни ташкил этади;

халқаро меҳнат стандартларини қўллаш бўйича халқаро тажрибани ўрганади;

5) *Халқаро меҳнат конференцияси кун тартиби бандларига таалуқли саволномага жавобларни шакллантириш ва ҳукуматларнинг Конференция томонидан муҳокама этиладиган матнларга таклиф этиладиган фикр-мулоҳазалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш соҳасида;*

ваколатли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда халқаро меҳнат конференцияси кун тартиби бандларига таалуқли саволномаларга жавобларни шакллантириш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказилади;

аҳолини иш билан таъминлаш республика дастурларини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига кўмаклашади;

янги меҳнат шароитларини белгилаш ёки мавжудларини ўзгартириш хусусидаги жамоа меҳнат низоларини ҳал қилишга кўмаклашади;

Халқаро меҳнат конференцияси кун тартиби бандларига таалуқли саволномалар бўйича ва ҳукуматларнинг Конференция томонидан муҳокама қилинадиган матнларга таклиф этиладиган фикр-мулоҳазалари бўйича таҳлилий материаллар ҳамда маълумотлар тайёрлайди;

б) *Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги 144-сонли конвенциясида (Женева, 1976 йил 21 июнь) назарда тутилган тартиб-таомилларни амалга ошириш тўғрисида йиллик маърузаларни эълон қилиш соҳасида:*

ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва тарқатади, уни амалда қўллаш юзасидан тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларига риоя этилишини таҳлил қилади ва уларни амалга ошириш бўйича тегишли таклифлар киритади;

ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишни таъминлаш ва меҳнат муносабатлари соҳасида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий уч томонлама комиссияларга амалий ёрдам кўрсатади;

7) *ратификация қилинмаган ва ҳали қўлланилмаётган конвенциялар ҳамда тавсияларни қўллашга ва тегишли ҳолларда ратификация қилишга кўмаклашиш учун кўриладиган чора-тадбирларни аниқлаб олиш мақсадида бундай конвенция ва тавсияларни вақти-вақти билан кўриб чиқиш соҳасида:*

халқаро ҳамкорлик, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан самарали ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш соҳасида таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

ратификация қилинмаган ва ҳали қўлланилмаётган конвенциялар ҳамда тавсияларни қўллашга ва тегишли ҳолларда ратификация қилишга кўмаклашиш учун кўриладиган чора-тадбирларни аниқлаб олиш мақсадида бундай конвенция ва тавсияларни мунтазам кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари қоидалари, ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалар ижросини мониторинг қилади;

жамоатчиликнинг Республика комиссияси ишлари, ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг мамлакатимиз ва хориж тажрибаси тўғрисида хабардор бўлишини таъминлайди.

7. Республика комиссияси ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикасидаги Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларини амалга ошириш бўйича Республика идоралараро комиссия, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Бош ва ҳудудий битимларнинг бажарилиши, республика, ҳудудлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, шунингдек, ижтимоий шерикликни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ваколатли давлат органларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, иш берувчилар ташкилотлари ва касаба уюшмалари мансабдор шахсларининг ижтимоий-меҳнат муносабатлар масалалари бўйича маърузаларини (ахборотини) эшитиш;

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва давлат дастурлари, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини тайёрлаш бўйича комиссия таркибига ўз вакилларини тавсия қилиш, ўз мажлисларида тегишли таклифларни кўриб чиқиш;

Республика комиссияси кўриб чиқиши учун киритиладиган масалаларни тайёрлашга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчилар республика бирлашмалари ва касаба уюшмалари, шунингдек, ташкилотлар вакилларини жалб қилиш;

олимлар ва мутахассисларни жалб қилиб, ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича доимий ва вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

жамоа музокаралар ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга соладиган битимларни тайёрлаш, ушбу битимларни амалга ошириш жараёнида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича тармоқ (тармоқлараро) ва бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик қилиш;

уч томонлама ҳамкорлик бўйича хорижий тажрибани ўрганиш, ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш;

ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш.

Республика комиссияси ушбу низом ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **3-боб. Худудий комиссиянинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари**

8. Қуйидагилар худудий комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича келишилган худудий ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда иштирок этиш;

худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича томонлар позицияларини келишиш;

позициялар, ҳуқуқлар ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш асосида томонларнинг амалий ҳамкорлигини таъминлаш;

халқаро меҳнат нормаларини қўллаш билан боғлиқ масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш.

9. Худудий комиссия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*1) ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича келишилган худудий ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишни таъминлашда иштирок этиши соҳасида:*

фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир худудий дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

томонлар ўртасида худудий (минтақавий) битим лойиҳасини ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқади, шунингдек уни бажариш жараёнини назорат қилади;

томонларнинг ташаббусига кўра худудий (минтақавий) битимни бажариш жараёнида юзага келадиган масалаларни кўриб чиқади;

*2) худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича томонлар позицияларини келишиш соҳасида;*

худудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича томонлар ўзаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича илғор тажрибани ўрганеди, умумлаштиради ва тадбиқ этади, уни амалда қўллаш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларига риоя этилишини таҳлил қилади ва уларни амалга ошириш юзасидан тегишли таклифлар киритади;

меҳнат соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқларни ҳудудий даражада амалга оширишга, шу жумладан бирлашишга ва коллектив музокаралар олиб боришга доир ҳуқуқларни амалга оширишга, болалар меҳнатининг мажбурий ва энг ёмон шакллариغا барҳам бериш, камситмаслик, тенг ҳуқуқлар, тенг имкониятлар ва тенг қийматли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципларига риоя қилишга кўмаклашади;

аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурини шакллантиришда, яратилаётган иш ўринлари, айниқса, ёшлар учун яратилаётган иш ўринлари ҳақиқийлиги учун жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этади, бу йўналишда ҳамкорликни амалга ошириш юзасидан чоралар кўради;

иш ҳақи масалалари, шу жумладан, ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал стандартларига риоя қилиш, иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш масалалари юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказади;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини бошқаришнинг самарали тизимини яратишда иштирок этади;

янги меҳнат шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжудларини ўзгартириш бўйича жамоа меҳнат низоларини ҳал этишга кўмаклашади;

давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишга кўмаклашади;

Республика комиссияси билан ҳамкорлик қилади;

ҳудудий комиссиянинг ишлари, ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш тажрибаси тўғрисида жамоатчилик хабардор бўлишини таъминлайди.

10. Ҳудудий комиссияси ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишни таъминлаш ва меҳнат муносабатлари соҳасида фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Ҳудудий комиссия, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг минтақавий вакили, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилиш;

ҳудудий (минтақавий) битимни бажариш, ҳудудлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, шунингдек, ижтимоий мулоқотни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ваколатли давлат органларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмалари мансабдор шахсларининг ижтимоий-меҳнат муносабатлар масалалари бўйича маърузаларини (ахборотини) эшитиш;

худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларини ва дастурларини, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини тайёрлаш бўйича Комиссия таркибига ўз вакилларини тавсия қилиш, ўз мажлисларида тегишли таклифларни кўриб чиқиш;

худудий комиссия кўриб чиқиши учун киритиладиган масалаларни тайёрлашга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмалари, шунингдек, ташкилотлар вакилларини жалб қилиш;

олимлар ва мутахассисларни жалб қилиб, ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича доимий ва вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

жамоа музокаралар ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга соладиган худудий (минтақавий) битимларни тайёрлаш жараёнида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича Республика комиссияси билан ҳамкорлик қилиш;

ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш.

Худудий комиссия ушбу Низом ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **4-боб. Комиссия таркиби ва унинг фаолиятини ташкил этиш**

11. Комиссия таркибига ҳар бир томондан ҳал қилувчи овозга эга камида етти нафардан вакил, шу жумладан бир нафар ҳамраис (тенглик принципи асосида) киради.

Республика комиссиясида:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг доимий аъзолари этиб қуйидагилар тайинланади: бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, молия, адлия, соғлиқни сақлаш вазирларининг ўринбосарлари, Давлат статистика кўмитаси раисининг ўринбосари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси вакиллари;

қуйидагилар ҳамраислар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, Ўзбекистон иш берувчилари ва ходимлари вакиллари энг кўп бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари.

Худудий комиссияда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг доимий аъзолари этиб ҳоким ўринбосари (Қорақалпоғистон Республикасида Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари), Бандлик бош бошқармаси бошлиғи (Қорақалпоғистон Республикасида бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири), молия, адлия, соғлиқни сақлаш худудий бошқармалари раҳбарлари ўринбосарлари, Статистика бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Бандлик бош бошқармаси

Давлат меҳнат инспекцияси (Қорақалпоғистон Республикасида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) бошлиғи;

куйидагилар ҳамраислар ҳисобланади: ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳоким ўринбосари (Қорақалпоғистон Республикасида Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари), ҳудуднинг иш берувчилари ва ходимлари вакиллари энг кўп бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари.

12. Ҳудудий комиссиянинг шахсий таркиби томонларнинг таклифлари асосида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари (Қорақалпоғистон Республикасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси) томонидан тасдиқланади.

Комиссиянинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган (сайланган) ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

13. Комиссияга ҳамраислар орасидан уч йил муддатга сайланадиган раис раҳбарлик қилади. Комиссияга раислик қилиш уч йилда бир марта ротация асосида ҳамраислардан бирига ўтади.

14. Комиссия раиси:

комиссия мажлисларида раислик қилади;

комиссия иш режасига таклифлар киритади;

комиссия мажлисларини чақиради, комиссия, унинг ишчи органлари фаолиятини, мажлисларда кўриб чиқиладиган масалалар тайёрланишини ва қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этади, шунингдек, ҳар чорақда томонларни уларнинг бажарилиш жараёнидан хабардор қилади;

томонлар ҳамкорлигига ва комиссия қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда улар ўртасида келишувга эришилишига кўмаклашади;

комиссия ишида иштирок этиш учун уларнинг таркибига кирмайдиган мансабдор ва бошқа шахсларни таклиф қилади;

ўз ваколати доирасида бошқа функцияларни бажаради.

15. Ҳамраислар тақдимномаси бўйича комиссия раиси томонидан шакллантириладиган котибият комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади. Котибият таркибига ҳар бир томондан биттадан вакил киради.

Комиссия котибияти:

комиссия мажлисларига тайёргарлик кўради;

комиссия қарорлари ижросини назорат қилади;

комиссия аъзоларини олиб бориладиган тадбирлардан хабардор қилади;

комиссия иш режаларини тайёрлайди;

комиссия иш юритувини амалга оширади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари, зарур ҳолларда эса корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан тезкор алоқани амалга оширади;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

комиссия фаолияти тўғрисида йиллик маърузалар тайёрлайди.

16. Комиссия ўз фаолиятини иш режалари асосида ва ижтимоий-меҳнат соҳасидаги масалаларни зудлик билан ҳал этиш заруратини ҳисобга олиб ташкил этади.

Комиссия мажлиси бир йилда камида икки марта чақирилади.

Мажлис кун тартиби котибият томонидан иш режаси ва ҳамраисларнинг келишилган таклифлари асосида тузилади.

Мажлис ўтказиладиган сана, вақт, жой ва унинг кун тартиби тўғрисида комиссия аъзолари олдиндан, бироқ мажлисдан камида 10 кун аввал хабардор қилинади.

Комиссия мажлиси, агар унда ҳар бир томондан аъзоларнинг камида ярми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

17. Комиссия қарори келишув асосида ёки агар келишув бўлмаса, ҳар бир томондан биттадан овоз принципи бўйича овоз бериш орқали қабул қилинади.

Комиссия қарори баённома шаклида қабул қилинади, ҳамраислар томонидан имзоланади ва тавсия хусусиятига эга бўлади.

Қарорларни тез қабул қилиш мақсадида комиссия ҳамраиси комиссиянинг алоҳида масалалари бўйича сўров орқали аъзолар билан келишилган қарорларни тасдиқлаши мумкин.

Комиссиянинг ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларини томонлар идора ички қарорларини қабул қилиш орқали амалга оширади.

18. Комиссия таркибида қуйидаги доимий ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин:

Бош (худудий) битимни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича;

халқаро меҳнат нормаларини қўллашга кўмаклашиш уч томонлама маслаҳатлашувларни ўтказиш бўйича;

жамоа меҳнат низоларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва унинг хавфсизлиги бўйича;

бандлик, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича.

19. Доимий ишчи гуруҳларга комиссия аъзолари орасидан уч нафар ҳамраислар тенглик асосида раҳбарлик қилади.

Доимий ишчи гуруҳларнинг таркиби иқтисодиёт, меҳнат ҳуқуқи, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги мутахассислар орасидан уларнинг комиссияга аъзолигидан қатъи назар тузилади ва комиссия мажлисида тасдиқланади.

Доимий ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини ўз ҳамраҳбарлари томонидан тасдиқланадиган йиллик иш режалари асосида амалга оширади.

Доимий ишчи гуруҳлар ўз ваколатларига киритилган масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича тавсиялар шаклида қарорлар қабул қилади.

Тавсиялар ишчи гуруҳ мажлисида унинг ҳамраҳбарлари ўртасида келишувга эришиш орқали тасдиқланади.

Доимий ишчи гуруҳлар мажлислари, агар уларда ишчи гуруҳ аъзолари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Доимий ишчи гуруҳларнинг у ёки бу масалалар бўйича тавсиялари қарорлар қабул қилиш учун Комиссия мажлисларида кўриб чиқилади.

### **3-боб. Комиссиянинг аъзолари ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

20. Комиссия аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва комиссия қарорларини қабул қилишда иштирок этиш;

комиссия ва доимий ишчи гуруҳлар мажлисларида кўриб чиқиш учун комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари раҳбарларига, шунингдек, бевосита ташкилотларга комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан сўровлар билан мурожаат қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари, статистика, ахборот ва маълумотнома материаллари билан белгиланган тартибда танишиш.

21. Комиссия аъзолари:

комиссия фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиши;

комиссия қарорини ижро этишга кўмаклашиши;

иш берувчилар касаба уюшмалари ва бирлашмаларини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини Комиссия фаолияти ва Бош (ҳудудий) битим ижросининг боришидан мунтазам хабардор қилиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигига риоя қилиши ва уни ошкор этмаслиги шарт.

### **6-боб. Комиссия қарорлари ижро этилишини назорат қилиш, томонлар жавобгарлиги ва комиссия фаолиятини молиялаштириш**

22. Комиссия қарорларининг ижросини томонлар мустақил назорат қилади.

23. Бир йилда камида бир марта битимларни амалга ошириш якунлари ва комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги масалалар комиссияга кўриб чиқиш учун киритилади.

24. Бош (ҳудудий) битимни амалга ошириш якунлари ва комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги ёзма ахборотни томонлар котибиятга уларнинг бажарилишига қараб юборади.

25. Комиссия фаолияти билан боғлиқ харажатларни томонлар ўзаро келишув бўйича қоплайди.